


“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИ



Сурхон воҳасида “маҳаллабай” ишлаш тизими асосида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш, “оғир” маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу хайрли ташаббусларнинг давоми сифатида Қумқўрғон тумани Халаки маҳалласида “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича амалий семинар ташкил

этилди.

Семинар давомида тумандаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш маҳсулотлар кўргазмалари, “Беш ташаббус” доирасида бажарилаётган ишлар, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари, маҳалла фуқароларининг саломатлигини яхшилаш борасида тиббий кўриклар ташкил этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Тўра Боболов, сектор раҳбарлари, вилоят ва туман ташкилотлари иштирок этишди.

Вилоят ҳокими маҳаллаларда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг манзилли дастурлари билан яқиндан танишди.